

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ШОЛИЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ТАНГИРОВА ГУЛЧЕХРА НАСРИДИНОВНА

**СОЯ НАВЛАРИНИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ,
ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЭКИШ МЕЪЁРЛАРИ ВА НИТРАГИННИНГ
ТАЪСИРИ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам**

Contents of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of agricultural sciences

Тангирова Гулчехра Насридиновна

Соя навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига экиш меъёрлари ва нитрагиннинг таъсири.....3

Тангирова Гулчехра Насридиновна

Влияние нормы высева и нитрагина на рост, развитие, урожайность сортов сои.....21

Tangirova Gulchekhra Nasridinovna

Impact of sowing norms and application of nitragin on growth , development and yield of soybean39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....41

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ШОЛИЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ТАНГИРОВА ГУЛЧЕХРА НАСРИДИНОВНА

**СОЯ НАВЛАРИНИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ,
ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЭКИШ МЕЪЁРЛАРИ ВА НИТРАГИННИНГ
ТАЪСИРИ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Qx38 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Шолчилик илмий-тадқиқот институтида (ШИТИ) бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cottonagro.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ёрматова Дилором,**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: **Атабаева Халима Назаровна,**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Умаров Бахтиёр Рахматович,
биология фанлари номзоди, катта илмий ходим.

Етакчи ташкилот: Дон ва дон-дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли кенгашнинг «.....»2018 йилсоат «.....» даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (+99871) 150-61-37. E-mail: g.selek@qsxv.uz

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПИТИ кўчаси.

Диссертация автореферати 2018 йил «.....»..... куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Нурматов.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, к.х.ф.д., профессор.

Ф.М.Хасанова.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, к.х.ф.н., катта илмий ходим.

Ж.Х.Ахмедов.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.Бугунги кунда дунё бўйича соя етиштирувчи мамлакатларда тупроқ унумдорлигини ошириш ва сақлаш, аҳолини оқсил ҳамда экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, экспортга чиқариш муҳим аҳамият касб этади. Соя донини катта қисмини етиштиришда ҳамда экспорт қилишда АҚШ, Бразилия, Аргентина мамлакатлари етакчи ўринни эгаллайди. Дунё бўйича жорий йилда дон ҳосили АҚШда 120,5 млн. тонна, Бразилияда 107,0 млн. тонна, Аргентинада 57,0 млн. тоннани, жами 347,8 млн.тоннани ташкил этади¹.

Дунёнинг соя етиштирувчи етакчи мамлакатларида атмосферадаги биологик азотни фаол ўзлаштириши учун соя уруғларини экишдан олдин нитрагин штамлари билан ишлов бериб экиш (инокуляция қилиш) кенг қўлланилмоқда. Уруғларни гектарига 80–120 кг меъёрда экишдан олдин 200 г. (мл) нитрагин +500–800 мл. сувга аралаштирилиб, инокуляция қилиш самарали бўлиши аниқланган. Уруғларни экишдан олдин нитрагин штамлари ва атмосферадаги биологик азотни ўзлаштиришга (азотфиксация) ёрдам берувчи махсус ёпишувчи бактериялар озиқаси билан бирга комплекс ишлов бериш самарали усул бўлиб ҳисобланади. Мазкур усулни қўллаш натижасида азотфиксация самарадорлиги 1,5–2,0 марта, ҳосилдорлик 0,2–0,8 т/га, оқсил миқдори 1,5–3,5фоизга ошганлиги исботланган².

Республикамизда бугунги кунда дуккакли экинлар, жумладан соянинг янги навларини синаш ва муайян тупроқ-иқлим шароитга мослаштириш, серҳосил, сифатли, экологик тоза дон маҳсулоти етиштириш,сақлаш ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш агротехнологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соя экини 2018 йилда республикада жами 18 минг 500 гектар майдонга экилди. Бугунги кунда соя навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига экиш меъёрлари ва нитрагиннинг таъсири борасидаги илмий тадқиқотларга эътибор қаратиш талаб этилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бўшаб қолган ерларга мойли экинларни жойлаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало замонавий ресурстежамкор агротехнологияларни жорий этиш муҳим азифалардан бири қилиб белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, соя навларининг ўсиши, ривожланиши, серҳосил, оқсилли, мақбул экиш меъёрларини қўллаш ва нитрагин штамлардан самарали фойдаланиш агротехнологияларини такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2832-сон “2017–2021 йилларда республикада соя экини экишни ва соя дони

¹ [https:// usda.ars-soyabean](https://usda.ars-soyabean)

² https://www.soyconnection.com/pdf/usbs_position/.../USB_CAST_Russian_HI.pdf

етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда 2017 йил 24 июлдаги ПҚ-3144-сонли ва ПҚ-2832-сонли қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги” қарори ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги фармони, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада соя навлари учун мақбул экиш меъёрини аниқлаб, нитрагин штамлари билан ишлов бериб экилганда юқори ҳосил бериши Е.П.Горелов маълумотларида келтирилган. Кейинчалик бу борада М.М. Сальтас, К.Мирзажонов, Ш.Ибрагимов, Х.Н.Атабаева, Д.Ёрматова, К.С.Сафаров, М.Ф.Абзалов, И.А.Исроилов ва бошқалар томонидан турли тупроқ-иқлим шароитларида тажрибалар олиб борилган ҳамда ижобий натижаларга эришилган ва ишлаб чиқаришга илмий тавсиялар берилган.

Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ типидagi тупроқ-иқлим шароитида турли экиш меъёрларида Нитрагин-137 штамми қўлланилиб, етарли даражада ўрганилмаган. Бу эса юқорида кўрсатилган тупроқ-иқлим шароитида соя навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, кимёвий таркиби ва иқтисодий самарадорлигини ўрганиши борасида илмийтадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Ш.Оличилиқ илмий-тадқиқот институти илмийтадқиқот ишлари режасининг П-17-40 дастури доирасидаги “Шоли, соя ва мошнинг янги навларини яратиш ва районлаштирилган навлари уруғчилиги ҳамда уларни минтақа шароитларига мослаштириш” (2003–2005 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади соя навларининг ўсиши, ривожланиши ҳамда юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришни таъминлайдиган мақбул экиш меъёри ва нитрагиннинг таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

соя навларининг туп сонини сақланишига экиш меъёрлари ва Нитрагин-137 штаммининг таъсирини аниқлаш;

соя навларининг ривожланиш фазалари ҳамда вегетатив ва генератив органларининг шаклланишига экиш меъёрлари ва Нитрагин–137 штаммининг таъсирини аниқлаш;

соя навларининг ривожланиш фазаларида туғунакларнинг ҳосил бўлиши динамикасига экиш меъёрлари ва Нитрагин–137 штаммининг таъсирини аниқлаш;

соя навлари дон ҳосилдорлигига ва доннинг кимёвий таркибига экиш меъёрлари ва Нитрагин-137 штаммининг таъсирини аниқлаш;

ўтлоқи-ботқоқ тупроқларнинг агрокимёвий таркибига Нитрагин-137 штаммининг таъсирини таҳлил қилиш.

Тадқиқот объекти сифатида маҳаллий ўртапишар андаза “Дўстлик” ва Узбекская-2 навлари, эртапишар “Орзу” ҳамда Украина селекциясига оид ўртаэртапишар “Изумруд” ва эртапишар “Медея” навларидан фойдаланилган.

Тадқиқот предмети соя навлари, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги, экиш меъёрлари 70,80,90 кг/га ва Нитрагин-137 штаммининг таъсирини ўз ичига олади.

Тадқиқот усуллари. Дала тажрибалари “Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур”, “Методы агрохимических анализов почв и растений”, “Методы изучения биологической фиксации азота воздуха”, “Дала тажрибаларни ўтказиш услублари” каби услубий қўлланмалар асосида олиб борилди. Олинган маълумотларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.Д.Доспехов (1985) нинг қўлланмаси асосида дисперсион таҳлил услуби бўйича амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор суғориладиган ўтлоқи-ботқоқ тупроқларда соянинг эртапишар “Орзу”, “Медея”, ўртаэртапишар “Изумруд” ва ўртапишар Узбекская-2, “Дўстлик” навларининг экиш меъёрлари (70, 80, 90 кг/га) ва Нитрагин-137 штаммининг таъсири аниқланган;

ўтлоқи-ботқоқ тупроқларда соя навлари учун мақбул экиш меъёрлари ишлаб чиқилган;

соя навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига экиш меъёрлари (70, 80, 90 кг/га) ва Нитрагин-137 штаммининг таъсири аниқланган;

соя навларини экиш меъёрлари (70, 80, 90 кг/га) ва Нитрагин-137 штамминикўллашнинг ўсимлик барг сатҳи ўзгариши, транспирация жадаллиги, тугунаклар ҳосил бўлиш динамикаси ва доннинг кимёвий таркибига таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

соя навларида 80 кг/га экиш меъёри ва Нитрагин-137 штамми қўлланилганда, ризобиум бактериялари атмосферадаги эркин биологик азотни ўзлаштириб, барча навларилдизларида 60, 76, 413, 747, 853 донагача тугунаклар ҳосил бўлганлиги ва ўсув даврида азот билан таъминланганлиги ҳамда тупроқнинг биологик ва экологик тизимини яхшилаганлиги аниқланган;

80 кг/га экиш меъёрида ва Нитрагин-137 штамми қўлланилганда эртапишар “Орзу” навида ҳосилдорлик 24,5 ц/га, олинган соф даромад 280,0 минг. сўм/га, Узбекская-2 нави ҳосилдорлиги 32,4 ц/га, олинган соф даромад 384,0 сўм/га ни ташкил этиб, назоратга нисбатан бу кўрсаткичлар тегишли ҳолда ҳосилдорлик 5,0 ц/га, 8,4 ц/га кўп, соф даромад гектаридан 110,0–180,0 минг сўмгача ошган, рентабеллик даражаси 40,0–51,2 фоизни ташкил этган;

сояни 80 кг/га экиш меъёрида ва Нитрагин-137 штамми қўлланилганда ҳосилдорлик юқори бўлганлиги ва соф даромаднинг ошганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Изланишларнинг замонавий услуб ва воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, услубий жиҳатдан тўғрилиги ва ҳар йили махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳолангани, олинган маълумотларни қайта ишлашда статистиканинг турли услубларидан фойдаланилганлиги ва олинган натижаларнинг тажриба маълумотлари билан мос келиши, тўпланган хулоса ва қонуниятларнинг асосланганлиги ҳамда натижаларнинг таққосланганлиги, олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, шунингдек Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама этилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги унинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти нав хусусиятлари турлича бўлган соя навларига мақбул экиш меъёри 80 кг/га ва Нитрагин-137 штамми таъсирида ўсимликдаги физиологик жараёнларнинг бориши, кўк пояси, донининг кимёвий таркиби, биометрик ривожланиши, юқори ва сифатли дон ҳосили олиниши натижасида иқтисодий самарадорликка эришилишидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мақбул экиш меъёри ва Нитрагин-137 штамми билан ишлов бериб экиш бўйича ишланмаларни амалиётга жорий этилиши ҳамда соя навларининг ҳосилдорлигини оширишда мақбул экиш меъёри 80 кг/га ва Нитрагин-137 штамми қўлланилган майдонларда ризобиум бактериялар атмосферадаги эркин биологик азотни ўзлаштириб, тупроқнинг биологик ва экологик тизими яхшиланилганлиги, натижада соя навларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Соя навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига экиш меъёрлари ва нитрагиннинг таъсири борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

деҳқон ва фермер хўжаликлари учун соя навларидан юқори, сифатли экологик тоза дон ҳосили етиштиришагротехнологиялари бўйича “Соянинг тупроқ ҳосилдорлигини оширишдаги ўрни”, “Ўзбекистонда соя етиштириш” ва “Соя агротехникаси” тавсияномалари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 7 майдаги 02/02-9-сон маълумотномаси). Натижада ушбу тавсиялар фермер хўжаликларида қўлланма сифатида хизмат қилган;

ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар шароитида соя навларини етиштиришда гектарига 80 кг меъёрда экиш ва уруғларни экишдан олдин Микробиология илмий-тадқиқот институти лабораториясида тайёрланган 500 м/л Нитрагин-137 штаммини 500-800 м/л сувга аралаштирилиб, ишлов бериб экиш технологияси Тошкент вилояти ЎртаЧирчиқ тумани Шоличилик илмий-тадқиқот институти илмий элита давлат хўжалиги (ИЭДХ) далаларида 10,0 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 7 майдаги 02/02-9-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида мақбул (80 кг/га) экиш меъёри ва

Нитрагин-137штамми таъсирида гектаридан 3–5 центнер кўшимча дон ҳосили олишга эришилган;

типик бўз тупроқлар шароитида соя навларини етиштиришда экиш меъёри 80 кг/га ва Нитрагин-137 штаммини қўллаш технологияси Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани “Бешбола” фермер хўжалигидаги 7,0 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 7 майдаги 02/02-9-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида дон ҳосилдорлиги гектарига 18,8–26,2 центнер, рентабеллик даражаси 24,1–32,0 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ва ШИТИ томонидан апробациядан ўтказилган ва ижобий баҳоланган, ҳисоботлар институтнинг Илмий ва Услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари Республика вахалқаро илмий-амалий анжуманларда 9 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1та монография, 3 та тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг илмий натижаларни чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси маҳаллий ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, амалиётга жорий қилиш, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Соя навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига экиш меъёрлари ва нитрагиннинг таъсири”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича илмий манбалар ва кўп сонли тажрибалар натижалари таҳлил қилиниб, соя етиштириш технологиясининг элементлари (экиш меъёрлари ва нитрагин таъсири)ни мақбуллаштириш соҳасидаги ўтказилган илмийтадқиқотлар чуқур таҳлил қилинган. Адабиётлар таҳлилининг хулоса қисмида қисқа ҳолда бу муаммони ўрганишни давом эттириш лозимлиги, соя етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича илмий изланишларни давом эттириш зарурлиги баён этилган.

Диссертациянинг **“Тажрибалар ўтказилган жой ва шароити, тадқиқот манбаи ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган

худуднинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари келтирилган.

Тошкент вилояти ЎртаЧирчиқ тумани шароитида ўтказилган тажриба даласи тупроқ қатламлари воҳа учун характерли бўлиб, ўтлоқи-ботқоқ типдаги тупроқлар эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Тажриба даласининг тупроғи шўрланмаган, ҳайдов қатлами 30-40 см, унинг остида, яъни 60–70 см чуқурликда тош ва кумлик қатлами учраши баён қилинган. Тупроқдаги эритмаларнинг рН миқдори 6,8–7,3. Ҳайдов қатламида гумус миқдори 2,0% атрофида, умумий азот 0,21%; фосфор 0,24%; калий 0,75 % даражасида ҳаракатчан азот эса 7,4 мг/кг; фосфор 50 мг/кг ва калий 130 мг/кг даражаларида эканлиги қайд қилинган.

Иқлими бошқа суғориладиган минтақалар иқлими каби тез ўзгарувчанлиги кўрсатиб ўтилган. Кўпинча ҳаво қуруқ, намгарчилик миқдори кам, об-ҳаво баъзан паст, баъзан ўрта ва юқори бўлиши ҳамда тупроқнинг юза қисмидан ёз даврида жуда кўп намлик буғланиб кетиши баён қилинган.

Дала тажрибалари “Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур”, “Методы агрохимических анализов почв и растений”, “Методы изучения биологической фиксации азота воздуха”, “Дала тажрибаларни ўтказиш услублари” каби услубий қўлланмалар асосида олиб борганлиги кўрсатиб ўтилган.

Тажриба даласи тупроқларининг агрохимёвий хусусиятлари ўрганилган бўлиб, тупроқнинг таркибидаги чиринди миқдори И.В.Тюрин услубида, азот миқдори Кьельдал услубида, фосфор миқдори Лоренц услубида, калий миқдори П.В.Протасов услубида аниқланганлиги баён этилган. Олинган натижалар Б.Д.Доспехов (1985) услуби бўйича дисперсион таҳлил қилинган.

Дала тажрибалари Шоличилик илмий-тадқиқот институти марказий тажриба хўжалиги далаларида олиб борилган. Тажрибада куйидаги кузатув ишлари олиб борилган: баҳорда тажриба дала майдонлари чизелланган, сўнгра бороналаб, мола босилган. Май ойининг бошида дала экишга тайёр бўлганидан кейин 5 та навлар (эртапишар–“Орзу”, “Медея”; ўрта эртапишар“Изумруд”; ўртапишар–Узбекская-2 ва “Дўстлик”) турли экиш меъёрларида (70 кг/га, 80 кг/га, 90 кг/га), нитрагинли ва нитрагинсиз вариантларда, 4 қайтариқли, кенг қаторлаб, қатор ораси 60 см, экиш чуқурлиги 4–5 см ҳамда Микробиология илмий-тадқиқот институтида ишлаб чиқилган Нитрагин-137 штамми билан уруғларга экишдан олдин ишлов берилиб, экиш вақтида 30 кг миқдорда азот билан озиклантирилиб экилган.


Диссертациянинг “**Турли соя навларининг тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили**” деб номланган учинчи бобидасоя навлари туп сонининг сақланишига, турли соя навларининг ривожланиш фазалари давомийлигига, вегетатив ва генератив органларнинг шаклланишига, барг сатҳи ўзгаришига, транспирация жадаллигига, тугунақлар ҳосил бўлиш динамикасига, дон ҳосилдорлигига, ўтлоқи-ботқоқ тупроқларнинг агрохимёвий таркибига экиш меъёрлари ва нитрагиннинг таъсирига оид маълумотлар келтирилган.

Нитрагинсиз ва нитрагинли вариантларда 350, 400, 450 минг дона туп

сони бўлгани ҳолда кузатув натижаларига кўра ҳосил йиғишдан олдин туп сони экиш меъёри 80 кг/га, нитрагинсиз вариантларда Узбекская-2 навида 371 минг дона, нитрагинли вариантда 378 минг дона ташкил этган. Ушбу натижалар андаза “Дўстлик” навининг натижаларига жуда яқин бўлиб, нитрагинсиз ва нитрагинли вариантларда тегишли равишда 370 минг ва 376 минг дона, эртапишар “Орзу” навида тегишли равишда 376; 379 дона ташкил этган. Украина селекциясига оид ўртаэртапишар “Изумруд” ва эртапишар “Медея” навларида туп сонининг сақланиши бир-бирига тегишли равишда 382; 383 ва 385; 388 яқин бўлганлиги кўрсатиб ўтилган.


Тажирибада экиш меъёри 70, 80, 90 кг/га бўлган соя навларида фенологик кузатувлар бўйича ўртача уч йиллик маълумотлар 1-расмда келтирилган. Соя навларининг турли экиш меъёрларида нитрагинли вариантларда униб чиққунгача бўлган даври 5–7 кунни, нитрагинсиз вариантларда 4–6 кунни ташкил этди. Ғунчалаш фазасидан бошлаб нитрагин штаммининг таъсирида тугунак бактерияларнинг фаолияти фаоллашиб, кейинги ривожланиш фазаларида барча навларнинг ўсиши нитрагинсиз вариантларга нисбатан жадаллашганлиги аниқланган.

Соянинг ғунчалаш, гуллаш ва пишиш фазаларида нитрагинли вариантларда нитрагинсиз вариантларга нисбатан 70, 80, 90 кг/га экиш меъёрида 3, 6, 9 кун оралиғида фарқ қилганлиги аниқланган. Нитрагинсиз вариантларда экиш меъёрлари оширилган сари барча навларда ўсув даври қисқариб борганлиги, аммо Нитрагин-137 штамми қўлланилганда атмосферадан эркин азотни ўзлаштирган ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиш даври бир неча кунгача узайиши баён қилинган.



1-расм. Экиш меъёрлари ва Нитрагин -137 штаммининг ўсув даврига таъсири (2004-2006 йй.).

2-расм маълумотларига кўра, Нитрагин-137 штамми қўлланилганда барча навлар бўйининг баландлиги, барг сони, ён шохлари ва дуккаклар сони ошиб бориши кузатилди. Экиш меъёри оширилганда эса ён шохлар ва дуккаклар сони камайиб, ўсимликлар габитуси ҳам ўзгариб борган.



2-расм. Вегетатив органларнинг шаклланишига экиш меъёрлари ва Нитрагин-137 штаммининг таъсири (бўйининг баландлиги), (2004–2006 йй.).

Нитрагинсиз вариантларда нитрагинли вариантларга нисбатан тажрибада иштирок этган барча навларнинг вегетатив ва генератив органлари кам ҳосил бўлган. Соя ўсимлигининг вегетатив ва генератив органларининг шаклланишида ҳар бир нав хусусиятларини ҳисобга олиб, уларнинг мақбул экиш меъёрини тўғри танлаш ҳамда экишдан олдин уруғларни Нитрагин-137 штамми билан ишлов бериб экиш юқори самара бериши таъкидлаб ўтилган.

Ўрганилган навларда экиш меъёрлари ва Нитрагин-137 штамми таъсирида барг сатҳининг маҳсулдорлиги вегетация даври давомида узлуксиз ўзгариб борган.

Барг сатҳининг ўзгариши бўйича дуккак тўлишиш фазасида, гуллаш боши ва гуллаш охири оралиғидаги фарққа нисбатан олиб қаралганда, ушбу фазада унчалик катта бўлмаганлиги кўрсатиб ўтилган (1-жадвал). 80 кг/га экиш меъёри нитрагинли вариант барча навлар учун мақбул бўлиб, барг сатҳи майдони эртапишар “Орзу” навида 1 туп ўсимликда 1451,1 см², 1 гектар ҳисобида 54,6 минг м²; ўртаэртапишар “Изумруд” навида тегишлича 1285,7 см², 48,8 минг м²; эртапишар “Медея” навида тегишлича 1056,6 см², 39,9 минг м²; ўртапишар андаза “Дўстлик” навида тегишлича 1800,3 см², 68,0 минг м² ва Ўзбекская-2 навида 1773,3 см², 67,0 минг м²ни ташкил этган.

Экиш меъёри 90 кг/га бўлганда дуккак тўлишиш фазасида 1 туп ўсимлик барг сатҳи кўрсаткичи 70–80 кг/га экиш меъёридан кам бўлган, лекин 1 гектар ҳисобидаги барг сатҳи кўрсаткичлари эса барча навларда 70 кг/га экиш меъёрига нисбатан 4,6–7,3 минг м² оралиғида, 80 кг/га экиш меъёрида эса 0,7–0,9 минг м² га кўп бўлганлиги кўрсатиб ўтилган. Дуккак тўлишиш фазасида нитрагинли вариант 80 кг/га экиш меъёрининг ёки барг сатҳи ҳажмига мақбул эканлиги қайд этилган.

Ўрганилган соя навларининг барг сатҳи навларнинг биологик хусусиятларига ҳамда тупроқ-иқлим шароитининг бевосита таъсирига боғлиқ равишда ўзгарган. Экиш меъёрларининг ўзгариши ва нитрагин штаммини кўллаш барг сатҳи ўзгаришига таъсир қилган. Кўчат қалинлиги оширилиб, нитрагин штамми билан ишлов бериб экилганда 1 туп ўсимликдаги барг сатҳи камайиб, 1 гектардаги умумий барг сатҳи эса ошиб борган.

Олинган маълумотларга кўра, турли соя навларининг гуллаш фазасида транспирация жадаллигининг ўртача кўрсаткичи нитрагинли вариантларда нитрагинсиз вариантларга нисбатан паст бўлганлиги, дуккаклар ҳосил қилиш фазасида барча фазаларга нисбатан юқори кўрсаткичга эга бўлганлиги қайд этилган.

Ўртапишар Узбекская-2 ва андаза “Дўстлик” навларининг натижалари ўрта эртапишар “Изумруд”, эртапишар “Орзу” ва “Медея” навларининг натижаларига нисбатан белги бўйича паст бўлганлиги кузатилган. 90 кг/га экиш меъёри нитрагинсиз вариантда 2140,6 мг/г соатдан (Узбекская-2 нави) 2521,6 мг/г соатгача (70 кг/га экиш меъёри, “Орзу” нави), нитрагинли вариантда тегишлича 2074,9 мг/г соатдан 2481,0 мг/г соатгача оралиқда бўлган. Ушбу фаза бўйича кунлик ўртача қиймат натижаларига кўра, нитрагинсиз вариант 90 кг/га экиш меъёрида 1160,5 мг/г соатдан (Узбекская-2 нави), 70 кг/га экиш меъёрида 1404,9 мг/г соатгача (“Медея” нави), нитрагинли вариантда тегишли равишда 1113,4 мг/г соатдан 1375,8 мг/г соат оралиқгача бўлган ҳолат кузатилган (1-жадвал).


Экиш меъёрлари оширилган сари (70, 80, 90 кг/га) барча соя навларида транспирация жадаллиги пасайиб борганлиги, кунлик ўртача қиймати унчалик катта фарққа эга бўлмаганлиги қайд этилган. Шунингдек, транспирация жадаллиги эрталабки соатларда паст бўлганлиги, тушки соатларда ошиб борганлиги, кечки соатларда эса яна пасайганлиги, барча навларда соат 14⁰⁰ да энг юқори кўрсаткични кўрсатганлиги кузатиди. Транспирация жадаллиги эртапишар навларда юқори, ўртапишар навларда эса нисбатан паст бўлганлиги ҳамда ўсув даври давомида ўзгариб турганлиги, шунингдек, ўсув даври охирида кескин камайганлиги аниқланди.

Экиш меъёрлари ва нитрагин-137 штаммининг соя навлари барг сатҳига таъсири (2004-2006 йй.)

Соя навлари	Туп сони, минг дона/га	Гуллаш боши	Гуллаш охири	Дуккак тўлишиш
		1га майдон (минг м ² /га)		
		Нитрагинсиз		
Дўстликst	307	13,4	48,0	57,4
Узбекская-2	309	12,5	45,6	56,3
Орзу	314	10,2	40,5	48,8
Изумруд	322	8,7	34,5	43,1
Медея	325	8,0	26,5	34,9
Дўстлик st	370	14,7	52,2	64,6
Узбекская-2	371	13,7	49,4	63,4
Орзу	378	10,3	44,5	52,7
Изумруд	382	9,4	37,5	45,6
Медея	385	8,7	29,0	38,2
Дўстлик st	416	14,9	54,7	66,7
Узбекская-2	418	13,8	51,7	65,4
Орзу	425	11,0	45,0	54,6
Изумруд	433	9,6	39,9	46,6
Медея	431	8,8	29,7	39,7
Нитрагинли				
Дўстликst	310	13,9	49,2	61,4
Узбекская-2	312	12,9	46,7	60,2
Орзу	319	10,8	42,0	52,3
Изумруд	327	9,3	37,5	45,1
Медея	329	8,2	31,5	36,2
Дўстлик st	376	15,3	55,5	68,0
Узбекская-2	378	14,3	52,8	67,0
Орзу	373	11,3	45,7	54,6
Изумруд	383	9,8	39,4	48,8
Медея	388	9,1	32,8	39,9
Дўстлик st	431	15,6	52,8	68,7
Узбекская-2	419	14,6	53,9	67,8
Орзу	423	11,6	46,3	56,3
Изумруд	436	9,9	42,3	48,4
Медея	438	9,3	31,4	40,8

Тажрибаларда ўсимлик униб чиққандан сўнг, унинг илдизида тугунак бактериялар 7–9 кун ўтгач ҳосил бўлганлиги аниқланган. Нитрагинли вариантларда эса 80 кг/га экиш меъёрида “Орзу” ва Узбекская-2 навлари андаза


“Дўстлик” навига тенг бўлган кўрсаткичга (0,6 г) эга бўлган. Дуккаклар тўлиш даврида нав хусусиятларидан келиб чиқиб, ўртапишар Узбекская-2 навига тажрибада қўлланилган барча экиш меъёрлари ҳамда нитрагинли (667, 747, 669 дона) ва нитрагинсиз (396, 471, 379 дона) вариантларда тугунаклар сони (тегишли равишда 792, 853, 773 дона; 499, 560, 465 дона), тугунакларнинг абсолют қуруқ массаси бўйича ҳар иккала вариантларда (нитрагинсиз–3,9; 4,3; 3,6 г; нитрагинли–5,0; 5,1; 4,7 г) тажрибада иштирок этган навлардан устун ва андаза “Дўстлик” навига (нитрагинсиз–4,3; 4,5; 4,0; нитрагинли–5,5; 5,8; 5,1) яқин кўрсаткични намоён этганлиги баён қилинган.



3-расм. Тугунаклар ҳосил бўлишига экиш меъёрлари ва Нитрагин-137 штаммининг таъсири (2004–2006 йй.).

Тажрибада турли соя навларининг ҳосилдорлиги (дуккаклар сони, 1 туп ўсимликдаги уруғ сони, 1 туп ўсимликдаги уруғ вазни, 1000 дона уруғ вазни) Нитрагин-137 штамми ва нитрагинсиз вариантларда, турли экиш меъёрларида (70, 80, 90 кг/га) ўрганилган. 70 кг/га экиш меъёрида ҳар иккала вариантларда дуккаклар ва уруғлар сони ҳамда 1 туп ўсимликдаги уруғ вазни кўп бўлганлиги кузатилган.

Ҳосилдорлик параметрларидан 1000 дона уруғ вазни ва ҳосилдорлик белгиси таҳлили натижаларига кўра, 80 кг/га экиш меъёри барча навларда мақбул ҳисобланиб, Нитрагин-137 штамми қўлланилганда нисбатан юқори натижалар қайд этилди. Айниқса, маҳаллий ўртапишар Узбекская-2 навига 32,4 ц/га, нитрагинсиз вариантда 24,0 ц/га ва нитрагинли вариантларда нитрагинсиз вариантларга нисбатан 8,4 ц/га кўп ҳосил олиниб, андоза Дўстлик навига (тегишлича 29,8 ц/га; 25,5 ц/га) яқин бўлган кўрсаткични намоён этганлиги қайд қилинган (4-расм).



2004 й. ЭКМФ₀₅=0,08 ц/га; 4,7%,

2005 й. ЭКМФ₀₅=0,07 ц/га; 4,6%,

2006 й. ЭКМФ₀₅=0,06 ц/га; 4,1%.

4-расм. Экиш меъёрлари ва Нитрагин–137 штаммининг соя навлари ҳосилдорлигига таъсири ц/га (2004–2006 йй.).

Олинган маълумотларга кўра, ўтлоқи-ботқоқ тупроқларнинг агрокимёвий таркибига Нитрагин-137 штаммини қўлланилиши ижобий таъсир қилган. Тажриба дала тупроғининг ҳайдалма қатламидаги ялпи чиринди миқдори ўртача 2,1 %, азот 0,21%, фосфор 0,22%, калий 0,82%; ҳаракатчан азот миқдори ўртача 7,66 мг/кг, фосфор 42,8 мг/кг, калий 130мг/кг бўлиб, Нитрагин-137 штамми таъсирида ушбу кўрсаткичлар тегишлича 0,1%, 0,01%, 0,03%, 0,1%; 1,32 мг/кг, 6,6 мг/кг, 0,20 мг/кг ни ташкил этган.

Диссертациянинг “Ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар шаритида соя донининг кимёвий таркибига ва иқтисодий самарадорлигига экиш меъёрлари ва нитрагиннинг таъсири” деб номланган тўртинчи бобида соя донининг кимёвий таркибига, иқтисодий самарадорлигига экиш меъёрлари ва Нитрагин–137 штаммининг таъсирига оид маълумотлар баён этилган.

Энг яхши натижа 80 кг/га экиш меъёри ва нитрагинли вариантда кузатилиб, Ўзбекская-2 нави нитрагинли вариантда оқсил миқдори–39,8%; мой миқдори–22,5%; андаза “Дўстлик” навида тегишлича-41,2%; 22,6% га эга бўлган (2-жадвал).

Маҳаллий эртапишар “Орзу” нави эса Ўзбекская-2 навидан юқори бўлган кўрсаткични намоён этиб, дон таркибидаги оқсил миқдори 40,7%, мой моқдори 21,8 фоизни ташкил этган. Ушбу белги бўйича Украина селекциясига мансуб бўлган ўрта эртапишар “Изумруд” ва эртапишар “Медея” навларида андаза “Дўстлик” навида нисбатан донидаги оқсил миқдори тегишлича 0,9 %; 2,1%, мой миқдори 2,2%; 1,6% кам бўлганлиги аниқланган.

**Экиш меъёрлари ва нитрагин штаммининг соя навлари донининг
кимёвий таркибига таъсири (2004-2006 йй.).**

Соя навлари	Экиш меъёри (кг)	Ҳосилдорлик т/га	Доннинг Таркиби %		Чиқиши т/га	
			Протеин	Мой	Протеин	Мой
Нитрагинсиз						
Дўстлик st	70	2,33	39,4	22,4	0,92	0,52
Узбекская-2		2,21	38,2	22,3	0,84	0,48
Орзу		1,62	39,1	22,5	0,63	0,37
Изумруд		1,60	39,2	20,1	0,63	0,31
Медея		1,24	38,3	20,5	0,47	0,22
Дўстлик st	80	2,55	40,0	22,1	1,0	0,56
Узбекская-2		2,40	38,9	22,2	0,93	0,53
Орзу		1,95	39,7	21,8	0,77	0,43
Изумруд		1,92	39,8	21,3	0,76	0,37
Медея		1,41	37,9	22,0	0,53	0,31
Дўстлик st	90	2,05	39,0	21,8	0,80	0,45
Узбекская-2		2,03	38,0	21,9	0,77	0,44
Орзу		2,10	38,8	21,3	0,81	0,41
Изумруд		2,04	37,0	22,1	0,75	0,38
Медея		1,37	38,4	21,8	0,53	0,23
Нитрагинли						
Дўстлик st	70	2,74	40,6	22,3	1,1	0,61
Узбекская-2		2,83	39,1	22,4	1,1	0,63
Орзу		2,05	40,2	22,2	0,82	0,46
Изумруд		2,03	39,7	21,9	0,80	0,38
Медея		1,38	38,3	22,1	0,52	0,24
Дўстлик st	80	2,98	41,2	22,6	1,2	0,66
Узбекская-2		3,24	39,8	22,5	1,2	0,73
Орзу		2,45	40,7	21,8	1,0	0,53
Изумруд		2,43	40,3	20,5	0,98	0,47
Медея		1,78	39,0	21,0	0,69	0,30
Дўстлик st	90	2,49	40,4	22,4	1,0	0,55
Узбекская-2		2,55	38,9	21,3	0,99	0,54
Орзу		2,30	39,8	22,3	0,91	0,50
Изумруд		2,31	38,4	22,3	0,89	0,51
Медея		1,64	38,1	21,7	0,62	0,27

Нитрагинли вариант 80 кг/га экиш меъёридаги кўрсаткичлар юқори эканлиги (ўртача ҳосилдорлик 32,4 ц/га, соф даромад 384,0 сўм/га бўлиб, рентабеллик даражаси 51,2 фоизни ташкил этганлиги баён қилинган. (**нархлар тажриба олиб борилган йилларга тегишли**). Шунингдек, ҳар иккала вариантларда ҳамда тажрибада қўлланилаётган барча экиш меъёрларида эртапишар “Орзу”, ўрта эртапишар “Изумруд” навларининг кўрсаткичлари тегишли равишда нитрагинли вариант 80 кг/га экиш меъёрида ҳосилдорлик 24,5 ц/га; 24,3 ц/га; соф фойда 280,0 сўм/га; 272,0 сўм/га; рентабеллик даражаси 40,0 фоиз; 38,8 фоиз; бир-бирига яқин бўлганлиги қайд этилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Нитрагинсиз вариантларда экиш меъёрлари оширилган сари ўсув даври 3, 6, 9 кунгача қисқариб бориши, Нитрагин-137 штамми қўлланилгандаги экиш меъёрига кўра атмосферадан эркин азотни ўзлаштирган ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиш даври 3, 6, 9 кунгача узайганлиги кузатилди.

2. Экиш меъёри 80 кг/га ва Нитрагин-137 штамми қўлланилганда, барча навлар бўйининг баландлиги, барг сони, ён шохлари ва дуккаклар сони ошиб бориши, экиш меъёри оширилганда эса ён шохлар ва дуккаклар сони камайиб, ўсимликларнинг габитуси ҳам ўзгариб бориши, нитрагинсиз вариантларда нитрагинли вариантларга нисбатан тажрибада иштирок этган барча навларнинг вегетатив ва генератив органлари кам ҳосил бўлиши кузатилди.

3. Экиш меъёрлари ва Нитрагин-137 штаммини қўлланилганда барг сатҳи ўзгаришига таъсир қилиши кузатилди. Кўчат қалинлиги оширилиб, нитрагин штамми билан ишлов бериб экилганда 1 туп ўсимликдаги (андаза “Дўстлик” нави дуккак тўлишиш фазасида 70 кг/га экиш меъёрида 1861,9 см²; 90кг/га экиш меъёрида 1605,2 см²) барг сатҳи камайиб, 1 гектардаги умумий барг сатҳи эса ошиб бориши (тегишли равишда 61,4 минг м²/га; 68,7 минг м²/га) қайд этилди.

4. Экиш меъёрлари оширилганда (70, 80, 90 кг/га) ва Нитрагин-137 штамми қўлланилганда барча соя навларида транспирация жадаллиги пасайиб борганлиги, кунлик ўртача қиймати унчалик катта фарққа эга бўлмаганлиги, транспирация жадаллиги эрталабки соатларда пасайиб (“Орзу” нави дуккак тўлишиш фазасида 80 кг/га экиш меъёрида 509,3 мг/г.с.; 90 кг/га экиш меъёрида 464,5 мг/г.с.); тушки соатларда ошиб (тегишли равишда 2418,1 мг/г.с.; 2345,8 мг/г.с.); кечки соатларда эса яна пасайиб (тегишлича 679,5 мг/г.с.; 650,5 мг/г.с.); барча навларда соат 14⁰⁰ да транспирация жадаллиги энг юқори бўлганлиги кузатилди. Транспирация жадаллиги ўсув даври давомида ўзгариб турганлиги ҳамда ўсув даври охирида кескин камайганлиги аниқланди.

5. Нитрагин-137 штамми таъсирида ўсимлик илдизида тугунаклар сони, шакли ва массасининг ошиши гуллаш фазасида бошланиб, дуккаклар тўлишиш фазасида юқори даражага етди. Тугунаклар сони эртапишар, ўрта эртапишар навларда 60, 76, 413 донагача, ўртапишар навларда эса 747, 853 донагача,

нитрагинли вариантларида нитрагинсиз вариантларга нисбатан барча навларда тугунакларнинг абсолют куруқ массаси 0,1–1,3 граммгача ошганлиги аниқланди.

6. Экиш меъёри 80 кг/га бўлиб, уруғларга Нитрагин-137 штамми қўлланилганда ҳосилдорлигининг юқори бўлганлиги, соф фойда ва рентабеллик даражаси ошганлиги, ўз навбатида таннархнинг камайиши юқори иқтисодий самарадорликка олиб келди. 80 кг/га меъёрида ва Нитрагин-137 штамми қўлланилганда Узбекская-2 нави ҳосилдорлиги 32,4 ц/га, олинган соф фойда 384,0 сўм/га ни, эртапишар “Орзу” навида ҳосилдорлик 24,5 ц/га, олинган соф фойда 280,0 сўм/га ни ташкил қилди.

7. Тошкент вилоятининг ЎртаЧирчиқ тумани ўтлоқи-ботқоқ тупроқларда Нитрагин-137 штамми қўлланилган вариантларда тупроқнинг агрокимёвий таркибида умумий шакллар: гумус миқдори 0,2%, азот (N) 0,02%, фосфор (P) 0,03%, калий (K) 0,1 фоизгача ваҳаракатчан шакллар: N-N₀₃-1,23 мг/кг, P₂O₅-4,7 мг/кг K₂O-10,0 мг/кггача ошганлиги аниқланди.

8. Экиш меъёри ошириб борилганда ва Нитрагин-137 штамми билан ишлов бериб экилганда доннинг таркибида оксил миқдори ошиб, мой миқдори камайиб бориш қонунияти тасдиқланди. Оксил миқдори юқори бўлиши учун қуёш ҳарорати баланд бўлиши, сифатли агротехник тадбирлар ўтказилиши ҳамда навлар тўғри танланиши зарур. Экиш меъёри 80 кг/га бўлганда нитрагинли вариантларда бир гектардан Узбекская-2 навида 1200 кг протеин ва 730 кг мой олинди. Тажриба натижаларидан эртапишар “Орзу” навида 80 кг/га экиш меъёрида гектаридан 1000 кг протеин ва 530 кг мой олиш мумкинлиги, барча навларда оксил ва мой миқдорида тескари корреляция мавжудлиги сезилди.

9. Экиш меъёри 80 кг/га ва Нитрагин-137 штамми қўлланилганда тажрибада иштирок этган барча навлар учун мақбул ҳисобланди. Нитрагин-137 штамми билан уруғларга ишлов бериб экиш ҳосилдорликни, доннинг таркибидаги оксил ва мой миқдорини оширишда муҳимлиги ва аҳамиятини кўзда тутиб, соя ўсимлиги майдонларини кенгайтириш орқали юқори иқтисодий самарадорликка эришиб, чорвани тўйимли озуқа, аҳолини оксил ва мой билан етарли даражада таъминлаш, шунингдек тупроқнинг биологик ва экологик тизимини яхшилаш ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш манбаидир.

10. Илмий ишларнинг натижалари бўйича Тошкент вилояти ЎртаЧирчиқ тумани ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар шароитида соядан юқори ҳосил ва сифатли дон олиш учун қуйидаги тавсиялар берилди:

маҳаллий эртапишар “Орзу”, ўртапишар “Дўстлик” ва Узбекская-2 навларини экиш;

соя навларининг ўсиши, ривожланиши ҳамда юқори ҳосил ва сифатли дон етиштиришни таъминлайдиган мақбул (80 кг/га) экиш меъёри ва Нитрагин-137 штаммини қўллаш;

Нитрагин-137 штаммини қўллаш тупроқ унумдорлигини ошириш, сақлаш, серҳосил, оксилли ҳамда экологик тоза дон ҳосили олишни таъминлайди;

иқтисодий самарадорлиги юқори, ресурстежамкор, рентабеллик даражаси 51,2 фоиз бўлишини таъминлайдиган мақбул (80 кг/га) экиш меъёри ва Нитрагин-137 штаммини қўллаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.42.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ
ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ РИСОВОДСТВА

ТАНГИРОВА ГУЛЧЕХРА НАСРИДИНОВНА

**ВЛИЯНИЕ НОРМЫ ВЫСЕВА И НИТРАГИНА НА РОСТ, РАЗВИТИЕ,
УРОЖАЙНОСТЬ СОРТОВ СОИ**

06.01.08 – Растениеводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Qx38

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте рисоводства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.cottonagro.uz и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель:

Ёрматова Дилором,
доктор сельскохозяйственных наук, профессор.

Официальные оппоненты:

Атабаева Халима Назаровна,
доктор сельскохозяйственных наук, профессор.

Умаров Бахтиёр Рахматович,
кандидат биологических наук, старший научный сотрудник.

Ведущая организация:

Научно-исследовательский институт зерна и зерно-бобовых культур

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.42.01. при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул УзПИТИ, (НИИССАВХ) Тел: (+99895) 142-22-35; факс: (+99871) 150-61-37. e-mail: g.selek@qsxv.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована № __). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ Тел: (+99895) 142-22-35; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: g.selek@qsxv.uz

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки № __ от «__» _____ 2018 года.)

Ш.Нурматов.

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор.

Ф.М.Хасанова.

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.с.х.н., Старший научный сотрудник.

Ж.Х.Ахмедов.

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в странах мира возделывающие сою большое значение имеет повышение и поддержание плодородия почвы, обеспечения населения белком и экологически чистыми продуктами питания, а также экспортирования сои. Такие страны как США, Бразилия, Аргентина занимают ведущие места по производству и экспорту основной части зерна сои. В этом году урожай зерна в США составил 120,5 млн. тонн, в Бразилии 107,0 млн. тонн, в Аргентине 57,0 млн. тонн, а по всему миру 347,8 млн. тонн¹.

В ведущих странах мира возделывающие сою для активной фиксации атмосферного азота широко применяется метод обработки семян сои штаммами нитрагина (инокуляция) перед посевом. Установлена эффективность инокуляции семян перед посевом с водным раствором 500–800 мл + 200 г.(мл) нитрагина при норме высева 80–120 кг на гектар. Комплексная обработка семян перед посевом штаммами нитрагина и специальными субстратами прилипающих бактерий, способствующих, фиксацию атмосферного биологического азота является эффективным методом. В результате применения этого метода доказано, увеличение эффективности азотофиксации на 1,5–2,0 раз, урожайности на 0,2–0,8 т/га, количества белка на 1,5–3,5%².

В Республике пристальное внимание уделяется испытанию и адаптации к определенным почвенно-климатическим условиям, производству большого количества качественной экологически чистой продукции зерна бобовых культур, в частности новых сортов сои, а также разработке агротехнологии, повышения и поддержания плодородия почвы. 2018 году в республике соя высевалась на площади 18 тысяч 500 гектаров. Требуется уделить внимание научным исследованиям влиянию норм высева и нитрагина на рост и развитие, урожайность сортов сои. В III главе Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах указано, что «...динамичное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление производственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции, размещение на высвобождаемых землях масличных культур, внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных ресурсосберегающих агротехнологий» определены как важнейшие задачи. Исходя из этого актуальным считается проведение исследований по росту, развитию, урожайности, белковости и усовершенствованию агротехнологии использования оптимальных норм высева и эффективному использованию штамма нитрагин.

Диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, изложенных в Постановлении Президента Республики Узбекистан «О мерах по организации посева сои и увеличению возделывания

¹[https:// usdaars-soyabean](https://usdaars-soyabean)

²https://www.soyconnection.com/pdf/usbs_position/.../USB_CAST_Russian_HI.pdfзвению

